



САЙЛОВЛАР – АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ САВИЯСИ ВА МАДАНИЯТИ, ФУҚАРОЛИК ОНГИГА ОИД ИМТИҲОН

*Абдураҳим ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг
аъзоси*

Бугунги кунда миллий сайлов қонунчилигимизни такомиллаштириш, уни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва амалга оширилаётган демократик ислохотлар билан уйғунлаштириш, мамлакатимизнинг сиёсий нуфузини янги босқичга кўтариш, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурига мувофиқ **“Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси** ишлаб чиқилиб, 2021 йил 29 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинди. Жорий йил 5 февралда Сенат томонидан маъқулланди ва 8 февралдан кучга кирди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига;

“Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 3-моддасига; Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 30 та моддасига; “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 4 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Фозилжон Отахонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори: “Миллий сайлов қонунчилигимиздаги мазкур ўзгаришлар қуйидаги амалий натижалари билан эътиборга лойиқ; биринчидан, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сиёсий ҳуқуқларининг тўла таъминланишига; иккинчидан, давлат бошқаруви тизимидаги энг муҳим сиёсий тадбир – сайловларнинг халқаро стандартларга мос ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлашга; учинчидан, мамлакатимизнинг сиёсий соҳадаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини





янада мустаҳкамланишига ҳамда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг сиёсий имижига янада кўтарилишига хизмат қилади”¹.

Дарҳақиқат, бугунги кунда 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида юзага келган бир қатор камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкилотларнинг айрим мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш зарурати мавжуд.

Мазкур Қонун 2020 йилги Давлат дастурида белгиланган вазифалар, шунингдек, миллий экспертлар ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ)нинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилди.

Бунда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилди ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланди. Чунки, таҳлилларга кўра, ҳар бир округ ўртача 1-3 та сайлов участкалари доираси билан чекланган бўлиб, амалиётда бир неча йиллардан бери самарасиз фаолият юритиб келмоқда ва Давлат бюджетига қўшимча харажатларни кўпайтирмоқда. Оптимизация натижасида 54 мингдан ортиқ аъзодан иборат 5 739 та округ сайлов комиссиялари тугатилади ва натижада 33,2 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинади.

Хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, шунингдек, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойида кўчма қутиларда овоз беришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу борада таъкидлаш лозимки, 2019 йилги парламент сай-

ловларида мазкур амалиёт апробациядан ўтказилган. Хусусан, Россия, Жанубий Корея ва Қозоғистонда бўлиб турган 90 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари кўчма қутиларда овоз берган.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз ташрифи ҳақида камида 3 кун олдин хабардор қилиш тартиби белгиланди. Сайлов комиссиялари аъзоларига ҳақ тўлаб бериш, компенсация тўлаш ҳамда иш ҳақини ҳисоблашнинг аниқ тартиби ўрнатилди.

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун Сайлов кодекси билан мувофиқлаштирилиб, парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар билан тенг равишда президентлик сайловларини ҳам давлат томонидан молиялаштириш тартиби белгиланди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида бир қатор ўзгартишлар киритилди. Жумладан, сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланди. Чунки, сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш бевосита сиёсий партияларнинг ихтиёрий иши бўлганлиги сабабли, сайлов комиссияларининг бу ишга аралashiши уларга хос бўлмаган вазифа ҳисобланади.

Сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланди. Масалан, давлат хизматчиларига, ҳарбий хизматчиларга, диний ташкилотлар хизматчиларига, судьяларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш тақиқланди.

Сайлов натижаларини эълон қилиш муддатларининг асоссиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари

¹ Демократик сайловларга мустаҳкам-ҳуқуқий асос яратилди. 2021 й. 15 февраль // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти — www.uza.uz.



қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилди. Сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қонунчиликда сайловларни октябрь ойида ўтказилиши белгиланди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Президентлик сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилар эди. Сайловларнинг декабрь ойида ўтказилиши биринчидан, сайловлардан кейинги сиёсий тадбирлар (парламент биринчи мажлисини ўтказиш, Ҳукуматни шакллантириш, Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси) янги йилнинг биринчи чораги охирига қадар чўзилишига олиб келиб, натижада Давлат дастурини қабул қилиш ва бошқа ислохотлар кечиктирилишига сабаб бўлади; иккинчидан, қатор хорижий давлатларнинг байрамлари арафасига (масалан, рождество – 25 декабрь) тўғри келиши сабабли, жаҳон миқёсида обрўга эга бўлган халқаро кузатувчиларнинг сайловда иштирокини таъминлашда муайян қийинчиликларни вужудга келтиради; учинчидан, декабрь ойи қиш мавсумига тўғри келиши сабабли сайловолди ташвиқоти тад-

бирларини кенг қамровли ўтказиш ва унда сайловчиларни жалб этишда қатор ноқулайликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, асосан иқлими иссиқ бўлган жанубий ярим шар давлатларида (масалан, Гана, Миср, Нигерия, ЖАР, Жазоир, Венесуэла, Доминика, Сан Марино) сайловлар декабрь ойида ўтказилади. АҚШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Босния, Иордания, Молдова давлатларида эса сайловлар октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

Қонунни тайёрлаш жараёнида сайловга оид умумэтироф этилган халқаро стандартлар, жумладан, Венеция комиссиясининг Сайловларни ўтказишга оид тавсиявий қоидалари (2002 й. 19 октябрь) ва Сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг раҳбарий тамойиллари (2010 й. 16 октябрь), шунингдек Россия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон ва бошқа давлатларнинг ушбу соҳадаги қонунлари ўрганилган.

Албатта, мазкур қонун билан умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида сайлов қонунчилиги янада такомиллаштирилди. Бу сайлов жараёнларининг очиқ ва ошкора ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг Жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги ўрни яхшиланиши таъминланади. Сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш ва муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш учун замин яратилади. Фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади ҳамда кузатувчилар ва сайловчилар учун қулай шароитлар яратилади.





Аброрхон Акрамов, Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг раиси, Азамат Ҳабибуллаев, Фаргона вилоят суди судьяси: “2021 йилда Ватанимизда ўзига хос катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий жараён – президентлик сайлови ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон бошқарув шаклига кўра кўпроқ Президентлик республикаси белгиларини ўзида намоён этар экан, бу жараён бежизга муҳим эмаслигини кўриш мумкин. Ўзбекистон ўз тараққиётини инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришда кўрмоқда, бу ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, демократик жараёнлар ичида энг муҳими ҳисобланган сайловларни фақат қонун доирасида амалга оширилишини таъминлаш ва унда фаол иштирок этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сайловларни умумжаҳон ҳамжамияти тан олган ҳуқуқ нормалари ва албатта, қонунчилигимизга асосан ўткази олишимиз мамлакатимизни узоқ йиллар давомида барқарор сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий аҳволини белгилаб беришига шубҳа йўқ”².

Ўткирбек Арзиқулов, Андижон шаҳар кенгаши депутати, “Адолат” социал-демократик партияси депутатлик гуруҳининг аъзоси: “Жорий йил маълум маънода сиёсий партиялар учун ўзига хос синов йили бўлади. Чунки, фуқароларнинг Президент сайловида қанчалик фаол иштирок этиши кўп жиҳатдан партиялар томонидан олиб борилган тарғибот тадбирларига боғлиқ. Очиқ айтишимиз керакки, бугун ҳамма ҳам бирдек сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлардан хабардор эмас. Бу зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик орасига кириб бориш баробарида тарғибот тадбирларини самарали ташкил этишимиз зарур”³.

Акбаршоҳ Тешабоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жиноятчиликни олдини олиш масалалари қўмитаси раиси: “Бугунги рақобат жараёни тобора шиддат билан ривожланиб бораётган бир паллада фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлидаги муҳим ҳуқуқий қадамлардан бири ҳисобланади”⁴.

Выборы – очередной экзамен общественно-политической культуры населения, демонстрация уровня его гражданского самосознания

*Абдурахим КУРБОНОВ,
депутат Законодательной палаты
Олий Мажлиса Республики Узбекистан,
член фракции
Экологической партии Узбекистана*

**Elections as a next assessment
of the socio-political culture,
revelation of the level
of civic self-consciousness**

*Abdurahim KURBONOV,
Member of the Legislative Chamber
Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan
faction member
Ecological Party of Uzbekistan*

² Президент сайлови – ўта муҳим демократик жараён. 2021 й. 10 февраль // www.uza.uz.

³ Фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этиши сиёсий партияларнинг тарғиботига бевосита боғлиқ. 2021 й. 5 февраль // www.uza.uz.

⁴ Миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш – демократик ислохотларни амалга оширишнинг асоси. 2021 й. 27 январь // www.uza.uz.